

ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШДА МУЛОҚОТЛАРАРО ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

Р.С. Шодиев, Ф.Ю.Эргашова

Тошкент амалий фанлар университети

Тиллар кафедраси катта ўқитувчилари

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада тил бойишининг таржима амалиётидаги жараёни мураккаб ва ўта масъулиятли жараёни, тилдаги битта нотўғри таржима кўплаб муаммоларга сабаб бўлиши оқибати, таржимашунос -ликдаги муаммолар ва ечимлар ҳамда истиқболлари ҳақида муҳокама қилинади.

Калим сўзлар: таржимашунос-тадқиқотчилари, чет тили, дунё адабиёти, ёзма нутқ, мулоқот.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается сложный и весьма ответственный процесс языкового обогащения в переводческой практике, последствия одного неправильного перевода на язык, вызывающие множество проблем, проблем и решений и перспектив в переводоведении.

Ключевые слова: переводчики-исследователи, иностранный язык, мировая литература, письменная речь, общение.

ABSTRACT

This article discusses the complex and very responsible process of language enrichment in translation practice, the consequences of one incorrect translation into the language, causing many problems, problems and solutions and prospects in translation studies.

Key words: translator-researchers, foreign language, word literature, written speech, communication.

Бугун таржима воситасида бутун жаҳон халқлари билан маданий мулоқот ўрнатилмоқда. Энди тинимсиз изланишлар, чуқур назарий, танқидий тадқиқотлар олиб борилиши керак. Муҳими, бадий ижоднинг бу инжиқ соҳаси вакиллари, яъни таржимашунос-тадқиқотчилари қанча кўпайса, соҳа ҳам шунчалик тараққий этади, оригинал билан беллаша оладиган таржима асарлари дунёга келади.

Дарҳақиқат, таржима- азалдан тил билан бир қаторда мавжуд бўлиб, адабиёт билан узвий боғлиқликда тараққий этгани боис бу соҳаларни бири-биридан алоҳида ажратиш мумкин эмас.

Бадиий таржима воситасида дунё адабиёти намуналарининг халқларнинг маданий ҳаётига кириб келиши бир халқнинг бошқа халқ маънавий ҳаёти, урф-одат, анъаналари билан яқиндан танишишига кўмак беради.

Таниқли тилшунос И. Арнолднинг эътирофича XII асрдан то бугунга қадар тилимизда улкан ўзгаришлар юз берди; кўп сўз истеъмолдан чиқди, қанчадан қанча янги сўзлар пайдо бўлди ва уларнинг ўрнини эгаллади[2;48б.]. Шунингдек бугун ҳам тилимизда бир қанча ўзгаришлар юзага келмоқда. Бу ўзгаришлар, айниқса, таржимашунослик соҳасида ўз аксини топмоқда. Маълумки, тил сўзга қўшимчалар қўшиш орқали сўз ҳосил бўлиши, янги ихтироларни номлаш, сўзни бошқа тиллардан ўз холича ўзлаштириш ва таржима амалиёти жараёнида бойибборади. Тил бойишининг таржима амалиётидаги жараёни мураккаб ва ўта масъулиятли жараёндир. Сабаби шундаки, тилдаги битта нотўғри таржима кўплаб муаммоларга сабаб бўлиши мумкин. Мавзу давомида айтилган мана шу таржима, унинг аҳамияти, таржимашуносликдаги муаммолар ва албатта, ечимлар ва истиқболлар ҳақида батафсил фикр юритамиз.

Таржиманинг муҳимлиги шундаки: ўрганилиши керак бўлган билимлар мажмуасини кенгайтиради; ҳар икки ёки ундан ортиқ тиллардаги маълумотларни ўзаро қиёслаш, атрофлича фикрлаш имконини яратади; тилларнинг ички имкониятларини мукамал ўрганишга туртки бўлади; фикрлаш доирасини кенгайтириб, баҳсли мунозараларда айтилган бир тилдан ўринли далилларни келтириб олишга кўмаклашиб, суҳбатдошлардан устунликни таъминлаб беради [2; 102 б.].

Бироқ сўнгги вақтларда таржимашуносликда бир қанча муаммолар пайдо бўлмоқда: чет тили ўқитувчиси ўзи ўқитаётган чет тилини мукамал билиши керак; чет тили ўқитувчиси ташаббуси билан у ишлаётган таълим муассасада маълум чет (немис, инглиз, француз, рус) тилини ўқитишга шарт-шароитлар яратилиши керак; чет тили ўқитувчиси янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш методларини ўқувчи-талабалар билим ва кўникмаларини ҳисобга олган ҳолда ижобий ўзгартириш бориши зарур-индивидуалликка ҳам эътибор бериб боришлари зарур; чет тили ўқитувчиси ўзи ўқитаётган дарс натижасининг 50% ўз фаолиятига, 50% ўқувчи-талабалар фаолиятига боғлиқлигини унутмаслиги керак [5; 98 б.]. Бу илғор педагогик

технологияларнинг асосий тамойилларидан бирини ташкил этади. Бу давр талабидир.

Провард натижа ўқитувчи ўтган ўқув материалларини ўқувчи-талабалар тушунишлари керак. Бу жараён қуйидаги босқичларга бўлинади:

1) Тинглаб тушуниш чет тилидаги нутқни – ўқув материалларини тинглаб тушуниш (аудирование), бу тил товушлари ёрдамида амалга ошириладиган рецептив кўникма ҳисобланади. Бунда она тилида бўлмаган тил товушлари, ўқувчи-талабалар аралаштириб юборадиган чет тилидаги товушлар қийинчилик туғдиради. Бу қийинчиликларни бартараф қилиш бир қатор машқларни бажаришни талаб қилади.

2) Гапиришни ўргатиш. Бу жараён оғзаки формада амалга ошириладиган фикр ва ҳиссиётнинг ифодасидирки, у чет тили ўқитишнинг энг муҳим мақсади ҳисобланади. Айниқса ҳозир коммуникация илғор педагогик технологияларнинг асосий талабларидан биридир, ўқувчи-талаба ўқитувчи ўргатган ўқув материалларини амалда - гапиришда қўллаш билиши керак.

3) Ёзувни ўргатиш - ҳарфлардан сўзлар ясаш, сўз ва сўз бирикмаларидан жумлалар, катта-кичик ахборотлар тузишни ўргатишдир.

Ёзма нутқ ҳаётда кенг фойдаланилади – таржимонлар, дипломатлар кўпроқ ёзма матнлар асосида иш олиб борадилар. Ўйлаймизки, таълим муассасаларида ҳам ёзув графикага, ёзма нутққа катта эътибор беришади. Буни айниқса нолисоний йўналиш ўқувчи-талабаларга ҳам кўпроқ ўргатилади, деган умиддамиз, ёзма нутқни бирга ўргатилиши чет тилидаги тил бирикмаларини хотирада узоқ қолишига ёрдам беради.

4) Таржимани ўргатиш чет тили ўқитилишнинг биринчи кунларидаёқ бошланади. Бу шундай услубки, у дарсдан-дарсга ўтиб борадиган ҳодисадир. Таржима доим такомиллашиб борадиган жараёндир [6; 78 б.].

Таржима оддийдан мураккабга, осондан қийинга йўналтирилиши керак, чунки бирданига катта, мураккаб материал, матн таржима қилинганда дарсда кўп вақт кетиб қолади, дарснинг бошқа этапларига вақт қолмайди. Таржимада ҳам тиллар хусусиятларини – ўқитилаётган чет тилининг ва ўқувчи – талабаларнинг она тилисининг хусусиятларини ҳисобга олиш керак, бу ўқувчи – талабаларга ҳам тушунтирилиши керак: инглиз, немис, француз, рус тилларида эганинг гапда бўлиши зарур, ўзбек тилида эса гапда эганинг қатнашиши кўп ҳолларда шарт эмас, ёки эга умуман қўлланилмайди, масалан:

Инглиз тилида	Немис тилида	Рус тилида	Ўзбек тилида
I have a Book	Ich habe ein Buch	у меня ест книга	менда китоб бор

You have a book	Du hast ein Buch	У тебя ест книга	сенда китоб бор
He has a book	Er } sie } hat ein Buch es }	у него ест книга	унда китоб бор
He has a book	Sie hat ein Buch	У неё ест книга	унда китоб бор
We have a book	Wir haben ein Buch	У нас ест книга	Бизда китоб бор
You have a book	Ihr habt ein Buch	У вас ест книга	Сизларда китоб бор
They have a book	Sie haben Buch	У них ест книга	Уларда китоб бор

Сўз туркумларининг чет тили ва она тилидаги бор-йўқлиги ҳам таржимани мураккаблаштиради, айниқса келишиклар сонининг бир хил бўлмаслиги таржима қилишда таржима қилаётган ўқувчи-талабаларни ўйлантириб қўяди.

Чет тили ўқитувчиси а) талаффуз хусусиятларини б) грамматик в) таржима хусусиятларини дарс ўтишда эътиборга олиши керак. Ўқувчи – талабаларда малака ҳосил қилиши ва шу малакаларни доим такомиллаштириб бориши керак, деган фикрни Ж.Жалолов илғор суради [5; 14 б.].

Хулоса қилиб айтганда, чет тили ўқитишда, айниқса нолисоний йўналиш ўқувчи-талабаларга чет тили ўргатишда таржимадан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Таржима ўқувчи-талабаларнинг чет тили ўрганишларининг асосий имкониятларидан биридир. Чунки сўзнинг таржимасига, жумланинг таржимасига, матнни таржима қилишга провардида бадий асарларни чет тилидан она тилига таржима қилишда таржима қилиш малакаси зарурдир.

REFERENCES

1. Акбарова С. А. Лингвостилистические средства и когнитивно-прагматическая значимость художественного портрета (на материале английских художественных текстов) Автор дис. канд. фил. наук-Ташкент, 2005.
2. Арнолд И. В. Стилистика современного английского языка. - М.: Просвещение, 1190.
3. Ашурова Д. Стилистика текста в парадигме когнитивной лингвистике // Филология масалалари. - Тошкент 2003.
4. Дементева М.Ю. Номинативно-когнитивный аспект семантики фразеологизма и слова. Автор дис. канд. фил. наук. - М., 2002.

-
5. Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. Чет тиллар олий ўқув юртлари (факультетлари) талабалари учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1996. –368 б.
 6. Умархужаев М.Э. Диний атамалар ва иборалар.Оммабоп қисқача изоҳли луғат. Тошкент: Гофур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2016.-220б
 7. Bimmel Reter, Kast Bernd, Neuner Gerhard. Deutschunterricht planen. Arbeit mit Lehrwerkslektionen. Berlin-München, 2003. –176 S.